

СЎЗИМИЗ ЎЗИМИЗНИКИМИ?

Хорижлик социолог олимлар ёшларнинг турли соҳалар бўйича фикрларини кенг ўрганиб борадилар. Шу мақсадда махсус сўровномалар ишлаб чиқилад...

лайда қандай кечадди? Ҳар бир ўсмир ботинида "ўз олами"ни яратиши зарур. Шунда у ҳаётни ўз олами орқали идрок этади...

Давр ва ёшлар

Қишлоққа борган кезларимда вақт топиб, жиянларимни саволга тутаман: -- Мактабни битиргандан кейин, нима қилмоқчи бўлисан?

Япониялик иқтисодчи олимлар илгари анча номдор бир заводнинг иши орқага кетаётгани сабабларини ахтаришди. Маълум бўлишча, корхонада ишлаётган олтинчи фойз ёшлар бу ерга "тасодифан" келиб қолган экан...

ГУЛЧЕХРА

Мазкур Фармон ёшларнинг армия қисмларида ҳарбий Низома қатъий риоя этиши, соғлом ахлоқий муҳитни яратиш, сиёсий ва жанговарлик тайёргарликни янада оширишда муҳим аҳамият касб этади...



ЙИГИТЛАРИНИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАЙЁРЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов куни-кеча "Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.

Айни вақтда бу ўқув масканларида етти ярим минг нафарга яқин ҳарбий таълим раҳбарлари фаолият қўрсатмоқда. Ҳарбий таълим раҳбарларининг 82 фоизи олий маълуматга эга бўлиб, 18 фоизи эса ўрта ва ўрта махсус ҳарбий маълумотга эга.

вишда кенг тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Бунинг натижасида ўтган йили бир неча юз нафар ўқувчи ёшлар мамлакатимиздаги бир қатор ҳарбий олий ўқув юртиларининг курсант бўлиди.

ларни, маданият ва санъат ар-буоблари, мамлакатимизнинг машҳур кишилари билан қизиқarli учрашувлар, суҳбатлар, анжуманлар, бадиий кечалар, анъанавий «Амир Темур авлодлари» ҳамда «Шунқорлар» каби ҳарбий-спорт муسابакалари ва бошқа кўплаб тадбирлар шулар жумласидандир.



ЙУЛАРИМИЗ ҲАМИША РАВОН
Шу кунларда мамлакатимизнинг турли ҳудудлари, қолаверса қўшни республикалар билан боғловчи Камчиқ довоғи йўлида қизин ишлар давом этаётганлигидан хабарингиз бор...

А Б У - Д А Б И. Ислам Конференцияси Ташкилотининг ИКТ/Бош котиви Озоддин Ларакни БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва жаҳон ҳам-жамиятига мурожаат қилиб...

С Я Н Г А Н. Малайзия ҳукумати Индонезиядаги иқтисодий таназул оқибатида ноқонуний равишда мамлакатга кириб келаётганлар сони кун сайин кўпаяётгани сабабли соҳил ва денгиз бўйларида назоратни кучайтирди.

ДУҲЕ ҚАРОТИМИЗДА
эди. АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари бу ҳалокатнинг содир бўлишида ливиялик икки фуқарони айблаган эди. Шу боис ҳам Ливияга қарши жазо чоралари қўлланиб келади.

П Х Е Н Ъ Я Н. Ҳар бир фуқаро кунига 100 граммдан егулик олган тақдирда ҳам Шимолий Кореянинг озиқ-овқат захираси икки ҳафтадан сўнг тугайди. БМТнинг Шимолий Кореяда табиий офат асоратларини бартараф этиш қўмитаси бу ҳақда хабар берди.

ИСТИБДОД ИЛД ИЗЛАРИ ҲАРБИЙ ИСТИЛО

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)
Россия империясининг ҳукмрон доираларида Қўқон, Хива хонликлари ва Бухоро амирлигига нисбатан истилочилик руҳи устун келиб, Александр II (1855-1881) ҳукматининг ташқи сиёсатида жангари генераллар макъеи кучайди.

ўрнига шахсий манфаатларини қўзлаб иш қилаётгани ҳам унга аён эди.
Қўқон бекари жойлардаги ўзбек, қипчоқ, қирғиз аҳолисини иттифоқ айлаб четдан келаётган босқинчиларга қарши ҳамжиҳат ҳаракат қилишга интиладилар.

тасарруфларидаги қирғиз сардорлари билан учрашиб, қирғизларни Қўқон хонлиги тарафига қўчиб ўтмасликларини алоҳида тайин қилишди.


АВЛИЁБОТА САБОҒИ
Рус зобитлари ўртасида ўзининг чўрткесарлиги ва ўта жангарилиги билан донги чиққан полковник Михаил Черняев 1864 йилда Авлиёбота шаҳри томон юриш бошлади.

УЗА

УЗА

УЗА

УЗА



ИЛМ ОЛМОҚ, ФАРЗДИР

Бистимлаҳир роҳманир роҳийм!

Қадимдан халқимизда шундай нақл бор: "Қуш уясида кўрганини қилади". Бу бежиз айтилмаган. Чунки, ҳар бир бола илк ҳаётини сабоқни оиладан олади. Шундай экан, аввало ота-она ўзларининг ахлоқ-одоб билан фарзандларига ҳар томонлама ибрат ва ўрнак бўлмоқликларига керак.

Уламолар ахлоқи ва муомаласи чиройли бўлмаган мусулмоннинг дини ҳам мукамал бўлмайди, дейдилар. Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом бир ҳадиси муборакларидан шундай дейдилар: "Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига яхши тарбия бериш ва одоб ўргатишдан ортқи ҳақ қила олмайди". Дарҳақиқат, ота-она ўз қалб қурини ҳақ йўлга мулоимлик ва меҳрибонлик билан давлат этиши лозим.

Бу ўринда шунинг таъкидлаш керакки, фарзанд тарбиясида оилда отадан ҳам онанинг мавқеи алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, бола билан бевосита ва кўпроқ бирга бўладиган киши бу -- муноси оналардир. Ота эса уйдан ташқаридаги юмушлар билан кўпроқ банд бўлиб, нури дийдаларини доимо ўз вақтида назорат қилишга вақт топа олмайди. Албатта, бу ҳол ҳамма жойда ҳам бир хил деб бўлмайди. Маълумки, фарзанднинг табиатиға қараб

деб сўради. Шунда пайгамбаримиз: "Уларға юмошқ муомалада бўлиб, суёб-эрқалаб, ахлоқ-одобға чакирмоқ лозим", деб жавоб бердилар.

Ислон дини оилаға ахлоқий тарбия ўчоғи сифатида катта эътибор билан қарайди. Оилда эр-хотин ўз фарзандларини яхши ахлоқий руҳда тарбияласалар, келажакда иншооллоҳ у ўз самарасини беради. Бу шарафли ва масъулиятли ишни амалға оширишда оилда ўзаро ҳурмат бўлмас экан, бундай оила ҳар томонлама баркамол бўла олмайди. Оила бошлиқлари фарзандларни олдидан одоб-этиборға лойиқ бўлмоқликларига лозим. Бу ёш авлоднинг тарбиялашда муҳим аҳамиятға эгадир. Аллоҳ таоло ўз каломи мажидида: "Биз инсонларға ота-оналарига яхшилик қилишға буюрдик, зеро она унга ҳомладорлик даврида кўп машаққат чеккандур". ("Аҳқоф" сураси, 15-оят) деб, ҳар бир фарзанднинг ўз ота-оналарига нисбатан доимо ғамхўр бўлишларини уқтириб ўтади. Бу борада пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом бир ҳадиси шарифларида айтганларки: "Қайси бир мусулмон ота-онанин ҳар кунини зиёрат қилиб турса, Аллоҳ таоло унга жаннат эшикларидан иккитасини очиб қўйур. Агар улардан бири барҳаёт бўлиб, уни зиёрат қилиб турган бўлса, бир эшикни очиб қўйилади. Агар уларнинг бирортасини норози қилса, Аллоҳ таоло ҳам ундан норози бўлур. Ҳатто ота-она фарзандига зулм қилган ҳолда ҳам уларнинг ризолитини топмоқ зарур".

Утган 1997 йил "Инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинган эди. Бу йил "Оила йили" деб эълон қилиниши биз дин аҳлиларини ҳам бағоят мамнун этди. Чунончи, агар оила соғлом ва мустақкам бўлса, маҳалла тинч ва ҳамжихат бўлади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустақкам бўлсагина, мамлакатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм сўради. Чунки, оила жамият таянчидир. Унда ҳаёт асоси бўлган инсоний фазилатлар шаклланади.

Диёримизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элалардан ташкил топган оилалар буюк Истиқлол шарофати ила тинч-тотув ҳаёт кеңириб келмоқдалар. Онлани мустақкамлаш ва ёшлар тарбиясини омухта қилиб олиб бориш ҳар бир оила аъзосининг, мактаб, таълим-тарбия муассасалари ва кенг жамоатчиликнинг асосий вазифасидир.

Маълумки, элмли кишилар доимо эл орасида ҳурматға лойиқ бўлиб эъзолағандар. Чунки, илм кишиларини бу дунёда ҳурмат-иззатда бўлишлари ва охирадта эса улуг шарафға эришишларига сабабчи бўлган. Арабларда: "Ёшлиқда олинган билим гўё тошға уйилган нақш каби-дир", - дейилган нақл бор. Шундай экан, илм олишға ёшлиқдан ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир киши ёшлиқ даврини жуда ғанимат билиб, бепарво бўлмай, келажакда ўзи ва эл-улус манфаати, бахт-саодати йўлида фойда берадиган билимини олишға интиломғи керак. Бу борада пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом: "... Илм саҳрода - дуст, ҳаёт чорраҳаларида - таянч, ёлғиз дамларда - йўлдош, бахтиёр дақиқаларда - раҳбар, қайғули онларда - мадалкор, одамлар орасида - зебу-зийнат, душманларға қарши қурашда - қуролдир. Ҳар бир эркак ва аёлға илм олиш фарзидир", - деганлар.

Биз ота-оналар фарзандларимизни ёшлиқ чоғларидан бошлаб илму маърифатға қизиқтириб, ўргатиб боришимиз лозим. Бунда илму фаннинг қайси соҳаси бўлса ҳам, уларда қизиқиш пайдо қилсақ, улар имкон қадар иқтидорларига яраша ўқиб-ўрганиб, илм-таҳсил ҳосил этсалар, бундан ўзлари ва халқлари манfaat топсалар, келажак учун бир пойдевор қўйган бўламиз. Бунинг амалға оширишда ҳар бир ота-онанинг фарзандига тўғри муносабатда бўлиб, уларнинг илм олишларида қўлай имконият яратиб бериши ёки бирор ўзига яраша қасбу ҳунар танлашда фойдали маслаҳат беришлари мақсадға мувофиқдир. Шулар билан бир қаторда уларни ахлоқ ва одобли қилиб тарбиялаш, гўзал фазилатларини онгига сингдириб бориш барчамизнинг вазифамиздир.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раисининг ўринбосари

Сўнгги йилларда биз жамиятимиз иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётида бўлаётган кенг миқёсдаги ўзгаришларға кўниқиб қолдик. Жамият тараққиётида юз бераётган тезкор янгиланишлар, миллий давлатчилик асосларининг шаклланиб бориши, бозор иқтисодиётиға ўтиш давридаги айрим муаммолар бизни фуқаролик нуктаи назардан фидойий бўлишимизни талаб этди.

Биз шарқона тамойилларға асосланган фуқаролик-демократик жамият қуриш мақсадида давлатчилик тизимини ўзгаришлар эканмиз, мана шу янгиланишларни таҳлил этамиз. Давлатимиз тараққиёти ва халқимиз раванқи учун фойдали ҳар бир янгиланиш илғаб олиб, уни амалға ошириш чораларини кўрамиз. Халқ ҳаётини нотинчликка олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларға эса ўз вақтида, улар газак олиб кетмасидан олдин чора-тадбирлар кўрмоғимиз лозим.

Мана шу каби муаммолар уммони ичида аҳоли кенг қатламларининг, айниқса, ёшларимиз ва эл-елларимизнинг сидқидилдан, журятли аралашувини талаб этадиган муҳим мавзу бор. Бу -- диний эътиқод масаласидир. Маълумки, ҳозирги кунда республикамизда 120 дан зиёд миллат ва элалар вакиллари тинч-тотув яшамоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида таълим-тарбия 8 тилда олиб борилаётган. Мамлакатда 14 та диний конфессия фаолият кўрсатмоқда.

Бош Қомусимизда халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб келган диний эътиқод ва виждон эркинлиги қафолатланган. Унда ёзилишича, ҳар бир

Дин қадим-қадимдан инсон қалбида ишонч ҳиссини мустақкамлаган, унинг қалбидаги бўшлиқни тўлдирган, унга эзгуликка интилиш туйғусини бахш этган. Шу

Муаммолар мунозарарға горлайди

билан бирга, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодға тақазийға кумаклашган.

Шубҳа йўқки, дин инсон ҳаётида юксак мавқеда бўлган. Диний эркинлик айрим кишилар ўйлаётгандек диний экстремизмин, бошбошдоқликни, ўзбилармонликни, давлат қонунларини менсимасликни тарғиб этиш эмаску?

Шу ўринда, масалан, дин ва ахлоқ масаласини олиб қарайлик. Ахлоқ тушунчаси дини тушунчасидан анча илғари пайдо бўлган. Барча мавжуд динлар ўз ичига ахлоқ меъёрларини сингдирган, бу уларнинг ҳаётий эътиқо ва талабларидан келиб чиққан. Шу боис, дин одамлар томонидан тез қабул қилиниб, кенг тарқалган. Ахлоқ нормалари ўз қамрови, мазмуни ва таъсир доирасига кўра умуминсоний ва халқчил характерда бўлганлиги сабабли диний қадриятлар даражасига кўтарилади.

Қуръони карим ва Мухаммад Пайгамбаримиз Ҳадислари Ислон дини гоёларини мужассам этган муқаддас манбалар ҳисобланади. Уларда соф диний ақидалар билан бир қаторда, озодлиқ, эзгулик, яхшилик, тенглик, меҳр-муруват, илмға эътиқод, бирининг ҳақиғата яхшият қилмаслик, меҳнатсеварлик, ахлоқ-одоб,

зи фуқаролар ўртасида худди ана шундай ҳолат вужудға келган. Диндор, яъни динни билиб-билмай тарғиб этаётган шахсларнинг қадр-қиммати ва улар қандай ишлар-

миқёсида Ислон динининг тутган ўрни ва мавқеи жуда баланд. Аммо Ислон таълим-бозорчилик фаолияти билан шуғулланувчи баъзи "мусулмонлар"нинг борлиғи ҳам ҳозирги кунда сир эмас.

Мана шундай диний экстремизмға берилган баъзи "мусулмон"ларнинг фаолияти кўплаб мамлакатларда қонунан ман этилиши даражасига бориб етган. Масалан, "Мусулмон-биродар-

лар" ҳамда "Ислон озодлиғи партияси" каби гуруҳлар фикримизни исботлаши мум-

кин. "Мусулмон-биродарлар" асли ал-Ихван ал-Мусулмонин деб аталиб, диний-сиёсий ташкилот ҳисобланади. У 1928 йили Мисрда шайх Ҳасан Ал-Банна томонидан таъсис этилган. Мазкур ташкилот унинг илк шаклланиш босқичларида маърифатпарварлик йўлидан борган. Аммо сўнгги ўн йилликларда унинг асосий услуби терор ҳаракатиға айланиб қолган. Мазкур ҳаракат доирасида ўнг экстремизмға мойил баъзи гуруҳлар ҳам мавжуд. Уларнинг мақсади кўпчилик ҳолларда сиёсий интилиш билан чатишган бўлиб, давлатни бошқаришни қўлларига олиш ниятида ҳаракат қиладилар.

Бугун ваҳҳобийчилик ниқоби остида юрган баъзи кимсаларнинг қилмишлари ҳақида эшитиб, кўриб туриб-кин. Ваҳҳобийлик тарихиға назар ташласак, унинг асосчиси Мухаммад ибн Абдулваҳҳоб таълимотиға кўра, мамлакатдаги муқаддас қабрлар, қабр тошларини бузиш, оддий халқ улуми ва одатларини динға қарши қўйиши каби амаллар ўз даврида ҳам аҳолини кўрқув, ваҳима ва ҳайратға солган, норозилик уйғотган. Ваҳҳобийлар Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломдан сўнг яшаган барча мусулмон уламолари назарияси ва амалиётини рад этдилар.

Улар дин номини буюроқ қилиб, бузғунчилик, қўпуровчилик билан шуғулланмоқдалар. Ҳолбуки, муборак ҳадисларда ҳақиқий мусулмон "Қўлдан ва тилдан бошқа мусулмонлар озор топмаган кишидир", деб айтадилар.

Узинимизни ва яқинларимизни бир қарашда беозордек кўришган, асл моҳияти билан эса Аллоҳнинг улуг неъматини бўлган тинчлигимиз ва осойишта қунаримизға раҳна солиши эҳтимоли бўлган Ислон фундаментализмининг таъсиридан асраш ҳозирги куннинг долларб вазифасидир.

Улар дин номини буюроқ қилиб, бузғунчилик, қўпуровчилик билан шуғулланмоқдалар. Ҳолбуки, муборак ҳадисларда ҳақиқий мусулмон "Қўлдан ва тилдан бошқа мусулмонлар озор топмаган кишидир", деб айтадилар.

Узинимизни ва яқинларимизни бир қарашда беозордек кўришган, асл моҳияти билан эса Аллоҳнинг улуг неъматини бўлган тинчлигимиз ва осойишта қунаримизға раҳна солиши эҳтимоли бўлган Ислон фундаментализмининг таъсиридан асраш ҳозирги куннинг долларб вазифасидир.

Оила тотувлиғиға нима ётсин...



Масалан, айрим издиҳомларда чаласавод мулла-ю, отин ойиларининг ҳар бир ай-

лар" ҳамда "Ислон озодлиғи партияси" каби гуруҳлар фикримизни исботлаши мум-

унга ҳушмуомалалик билан муносабатда бўлиниса, у бунинг тез қабул қилади. Тер ва кўпчилик билан муомала қилинганда эса бунинг акси бўлади. Ҳадеб фарзанднинг истақ-хоҳишиға қараб иш тўтишлик ҳам яхши оқибатларға олиб бормайди. Аллоҳ таоло пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломға хитоб қилиб айтадики: "Агар кўпо, қалби қаттиқ бўлсангиз эди, атрофингиздан ёронларингиз Сизни ташлаб кетган бўлур эдилар". ("Ол-Имрон сураси, 159-оят").

Ривоятларға қараганда пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ҳузурларига бир киши келиб: "Ё Расулудлоҳ! Ёш гўдакларға қандай муомалада бўлмоқ керак?"

ДИНИЙ ЭЪТИҚОД ВА БИЗ

инсон хоҳлаган динға эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динға эътиқод қилмаслик ҳуқуқиға эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришға йўл қўйилмайди. Давлатнинг диний бирлашмалар фаолиятиға аралашмаслиғи, диний ташкилотларнинг қайси динға мансублиғидан қатъи назар қонун олдидан тенглиги ҳам битилган.

Аслида диний эътиқод ҳар бир даврда ҳам инсон маънавиятини юксалтиришға, умуминсоний эзгу ниятларға ҳизмат қилишға қаратилган. Динлар тарихиға, уларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши омилириға назар ташласак, улардаги инсонға нисбатан меҳру муҳаббат, уни Парвардигор бандаси сифатида эъзолаш, унинг қалбини Яратганга нисбатан меҳру муҳаббатға тўлдириб қайи мезонлар биринчи ўринда турганиға икорор бўламиз.

Динлар тарихидан мана шу умумийлики билан шартлириш учун кўп уринишлар бўлганини билишимиз мумкин.

Масалан, Шарқда юз берган "Дини илоҳий" ҳаракатини олиб кўрайлик. Бу ҳаракат Ислон, ҳиндуизм, жайнизм ва зардуштийлик унсурларини ўзида муҷассамлаштирган бўлиб, Бобурийлар сулоласи вакилларидан бири Акбаршоҳ (1582) томонидан жорий этилган эди. Ватан осойишталиғи ва уни марказлаштириш ниятида Акбаршоҳ саройининг бош мушйини Абул Фазл Аллоий Ҳиндистонда кенг тарқалган динларнинг умумий ҳусуниятларини бирлаштириш орқасида мамлакат аҳолиси ўртасидаги инзоларға барҳам бермоқчи, диний заминда келиб чиқувчи турли қарам-қаршиликлар, қуролли кўзғолонларға чек қўймоқчи бўлади. У ўз мамлакатидан тинчлик ўрнатиш, халқни бирлаштириш истағи билан янаб ўтади.

инсонпарварлик каби инсоний хислатлар тараннум этилади.

Ислонда ахлоқ-одоб қоидалари ижтимоий ҳолат, миллий мансублик, қариндош-уруғчилик муносабатларига кўра белгилаб берилган. Ислон дини ва Қуръони каримнинг бош вазифаси барчаларни тўғри ҳидоят йўлиға бошлаш орқали комил инсонни тарбиялаб саодатға етаклашдир.

Ота-онаға ҳурмат, уларнинг фарзандлари ва фарзандларнинг ўз волидалари олдидан бурч ва мажбуриятлари Ислон дини ақидалари орқали сингдириб берилган. "Аллоҳ адолат қилувчиларини севади", деб уқдириш орқали адолатпарварлик, тўғрилик, поклик инсоний ҳусуниятларнинг бош мезонини қилиб белгилаган.

Илму муносабат Ислонда муҳим ўрин тутади. Ҳадисларда таъкидланишича: "Илмининг сузаймоғи ва жаҳолатнинг қучаймоғини" Расулудлоҳ (С.А.В.) қиёматнинг аломатларидандир, деб биланган. Илми киши Ширқда ҳар доим иззат ва ҳурматда бўлган. Мана шу борада, яъни таълимда, жумладан, дунёвий илмлар тарғиботида ҳам дин жуда катта ички қудратға эга. Чунки Абу Райҳон Беруний ҳазратлари айтганларидек: "Илмлар -- замон иқболи, тараққиёт белгиси". Аммо биз ҳозирча маданий меросимиз бойлиқларининг асл мағзини чаккиб ултурганимизча йўқ. Масалан, дин ва диндорлар масаласини олиб кўрайлик. Айрим кишилар ҳали-ҳанузгача ҳар бир дин уламоси бешак қақдир, деган янгилш ақидаға амал қилади. Айримлар, дин ва дин вакили тушунчасини яхши бир нарсас, бир-бирини чапишиб, қоршиб кетган деб ҳисоблайди. Аммо дин бошқа, диндор бошқа.

Албатта, аввало ҳар бир динға эътиқод керак, аммо бу эътиқодни диндорға бўлган эътиқод билан асло алмаштириб бўлмайди. Баъ-

тан гапи қонундай тушунилади.

Биз XXI аср бўсағасида туробимиз. XX аср халқимизда озодлиқ, эркинлик, истиқлол ва мустақилликни инъом этиб, Ватан тақдирини бизнинг қўлимизда топширди. Мазкур тарихий давра жамият ҳаётининг барча кучлари тараққиёт учун, ривожланиш учун сафарбар қилиниши лозимлиғи -- табиийдир. Ҳар бир даврда эзгулик учун хизмат қилган дин ҳам бундан мустасно эмас.

Мустақиллик диний эзгуликка катта қўлайлик яратди. Диний эътиқод ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан қафолатланди.

Мусулмонларнинг муқаддас Ҳаж ва Умра сафарларини амалға оширишлари учун имконият ва имтиёзлар яратилди, бу борада ҳукуматнинг махсус қарорлари чиқарилди. Муқаддас Ҳаж сафаридан бўлиб қайтганлар ва мазкур сафарта отланаётган фуқаролар сонини ортиб бормоқда. Юзлаб масжидлар қурилди. Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом "Ҳадис"ларининг 4 жилдлик таржимаси нашр қилинди, Қуръони карим ўзбек тилида чоп этилди.

Шунингдек, бутун дунёға номи кетган диний даҳоларимиз Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳовуддин Нақибанд, Нажмиддин Кубро каби мутафаккирларнинг нафақат номи, балки маънавий мероси ҳам уларнинг авлодларига қайтарилди ҳамда бу борадаги саъй-ҳаракатлар давом эттиришмоқда.

Маълумотларға кўра ҳозир Ер юзидаги мусулмонлар умумий сонини тахминан 1 миллиард нафарни ташкил этди. Уларнинг қарийб 90 фоизи эса суннийлардир. Дунёнинг 120 мамлакати халқлари Ислон диниға эътиқод қилади. Шу жумладан, 35 давлатда мусулмонлар мамлакат аҳолиси таркибининг асосий қисминини ташкил этди. Кўришиб турибдики, дунё

З. ШЕРМАТОВ, "Маънавий ва маърифат" жамоатчилик маркази Косон туман бўлимининг раҳбари

Гулхумор ТҮЙЧИЕВА, филология фанлари номзоди

Алломишнинг аломиши...

Ўзбек халқининг узок ўтмишидан ҳикоя қилувчи "Алломиш" достони ҳақида уйлариқанман...

Узок-узаклардан чарақлар сирож... Сўзлар уйғонади йиллар қатлида...

Шуурланган дил ола отлар эрк қўшигини қуйлаб, мас-тона юрган кенг яйловларга...

Отнинг кишнашидан уйғонар ботир, Майсанинг бағрида ётар жасорат...

"Алломиш" достонининг 1000 йиллигига

Сукунат ботирнинг ўти нигоҳларидан чил-чил сина бошлайди...

Отларнинг дупури кучаяр, Барчиллар пешвозлар йўлларга...

"Алломиш"ни қўлга олиб олис ўтмишта сайру саёхатга чоғланаман...

Кишнинг моли закотга етса, закот берса, бул ҳам сахий экан...

Атрофнинг ганимлар уяси, Алломиш -- сабрлар қалъаси...

Бу далла покиза қалбнинг акасига ёлворилари, нола-лари...

Ака, сенга айтдиған арзим бор, Талаш бугги бийнинг қизи зулфакдор...

Бундай даъватдан ҳаракатга келган қалб тебранишларини кўз олиндиғизга келтириб кўринг...

Инқолмасанг, тўрам, навбат тилайин, Эрак либосини ўзим кияйин...

Бу рақибни мағлуб этган Алломишнинг илоҳий қувва-тидан ташқари аёлларнинг номусу шашинини ҳимоя қилиб

айтиб турган сўзлари эмасми?... Бойчибор!.. Дарвоқе, вафо ва салокатнинг тенгсиз тим-соли...

Покиза ниятлар учун жонингни ҳам тикиб, зўрликка қарши мардона қурашинг исён-нинг эдими?

Бойчибор, тортганинг азобини, Кўқалдош мяхлари жон хаста?

Эзулик қора ниятлар устидан галаба қилмоғи муқаррар. Маккорлик, разиллик, ҳиёнат маълум вақт яшаса...



Қанча кўп риёлар, ҳасаллар, Алломиш шунча сен буюксан...

Дуркун боғларда қад ростлаётган авлодларни алломишларга менғамди. Токи улар ўз аждоғларидан ору ному...

Маликжон БОБОРАХИМОВ, филология фанлари номзоди



Баҳор қори...

"ОИЛАМ -- МЕНИНГ БАХТИМ"

Кутубхонага Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган беш жуфт нафар оила тақдир қилинди...

Бундан ташқари, Саидлаҳон Рамотова ва Шухратжон Қайумовларнинг дилтортар қўшиқлари...

Энг муҳими, ўзига хос тарзда ўтган давра сўхбати иштирокчиларнинг фикрлари бир жойдан чиқди...

Муҳим муҳаббат нурига илму маърифат зиёсини қўшишига боғлиқ экан...

Тарбиялаётган Дустмухамедовлар оиласи ҳам қўшилиб, ўз муносабатларини билдиришди...

Чиндан ҳам оиланинг мустақам замига эга бўлиши кўп жиҳатдан илму маърифатга боғлиқдир...

Шундай қилиб, навоийнинг "Насойим-ул муҳаббат" асарига жами 162 нафар машҳур шахс ҳамда сўфийларнинг тарихи келтирилди...

Учрашув охирида "Турон" кутубхонасининг директори Вазираҳон Собирова...

Кечада меҳмон сифатида иштирок этган таниқли артистлар Гавраҳон ва Жамшид Зокировлар нафақат машҳур Зокировлар сулоласи тарихи ҳақида ҳикоя қилишди...

Учрашув охирида "Турон" кутубхонасининг директори Вазираҳон Собирова...

Т. ҚҮРБОН

Навоий ҳазинасидан ФАРҒОНА УЛУҒ ШОИР НАЗАРИДА

Фарғона замини жаҳон илм-фани, маданияти ривожига муносиб улуш қўшган, кўплаб алломишларни етиштирган...

Асарда бир неча Фарғонийларнинг ўрин олишининг ўзисқ Алишер Навоий Фарғона водийси...

Иброҳим Марғиноний ҳам ўз замонасининг йирик шайхи ва донишмандлари-дан бири бўлган...

Навоийнинг эътиборини тортган яна бир соҳибқаромат инсон Умар Боб Фарғонийдир...

Шайх Саидилдин Фарғонийни эса Навоий "Фарғона арбобининг мукаммали, завқ ва виждон асҳобининг ақобирин" дея улуғлайди...

Юқорида айтилганлик, Алишер Навоий Фарғонийлар ҳақида маълумот берибгина қолмасдан ўзи ҳам уларнинг ҳаро-ратли издоши эканлигини...


Юқорида айтилганлик, Алишер Навоий Фарғонийлар ҳақида маълумот берибгина қолмасдан ўзи ҳам уларнинг ҳаро-ратли издоши эканлигини...

Юқорида айтилганлик, Алишер Навоий Фарғонийлар ҳақида маълумот берибгина қолмасдан ўзи ҳам уларнинг ҳаро-ратли издоши эканлигини...

Ҳабибулло ЖҮРАЕВ, Фарғона Давлат университетининг ўзбек адабиётшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

Ажиб дунё КЎЗНИ СОТИБ МЕРСЕДЕС ОЛДИ

Сўнгги олти йил давомида ишсиз юрган америкалик Леонард Фрэнч барча моддий муаммоларини ҳал қилди...



БОШ ЧАНОҒДА... МУРВАТ

Буюк британиялик Чоулд ва Пайл "Файртабийи ҳодисалар" асарига ноёб ҳодиса ҳақида ҳикоя қилдилар...

АСТМА САБАБЧИСИ СУВАРАК

Одамлар билан қадимдан ёнма-ён яшаб келаётган суварак -- шаҳарда яшаётган болалар орасида астма касал-лигига чалинганлар сони кескин кўпайишига асосий сабаб бўлмоқда...

ШЕҒРИЯТИ ИХЛОСМАНДЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида "Туркистон" газетаси қошида ташкил этилган "Шеърят сабоқлари" мактабининг давраси тобора кенгайиб бормоқда...

РЕКЛАМА. РЕКЛАМА. РЕКЛАМА ДАВОЛАНУВЧИЛАРГА ИНЪЕКЦИЯ ДОРИЛАРИНИ ЁЗИБ БЕРУВЧИ ВА УЛАРНИ ҚўЛЛАШИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЛАР БERAДИГАН ШИФОКОРЛАР ВА ФАРМАЦЕВТЛАР УЧУН ҚАЙДЛАР

Инъекцияли дорилар нима? * Ҳозир икки хил инъекцияли дори: "Депро-Провера" (ДМПА) ва "Нористерат" (НЭТЭН) мавжуд...

Инъекцияли дорилар ҳомилдорликдан қандай сақлайди? * Инъекцияли дорилар битта синтетик гармон-прогес-тинга эга бўлиб, у сининг организмнинг табиий йўли билан ишлаб чиқадиган гармонларга ўхшайди...

Инъекцияли дориларнинг афзалликлари ва фойдалари: * Ҳомилдорликдан сақланишнинг юқори самарадор-лиги (99,6%)

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАХРИРИЯТ: Қабулхона - 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими - 136-54-64...

Муаллифлар фикри тахрирнинг нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.